

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ РАХИМЖОН БОЛТАБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
ВИЛОЯТЛАРИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
Фойдаланиш йўллари**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Қодиров Рахимжон Болтабоевич

Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси вилоятлари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.....3

Кодиров Рахимжон Болтабоевич

Пути эффективного использования трудовых ресурсов областей Ферганской долины Республики Узбекистан.....29

Qodirov Raximjon Boltaboyevich

Ways of effective use of the labor resources of the Fergana Valley regions Republic of Uzbekistan.....55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ РАХИМЖОН БОЛТАБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
ВИЛОЯТЛАРИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
Фойдаланиш йўллари**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Gr22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович

география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тожиева Зулҳумор Назаровна

география фанлари доктори, профессор

Камолов Баҳодир Асомович

география фанлари доктори, профессор

Мамадалиева Хафиза Холдаровна

иктисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya_nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 75 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» август куни тарқатилди.
(2021 йил «17» августдаги 32-рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н.

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон аҳолисининг тез суръатларда ўсиб бориши меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ва бунинг оқибатида ишсизликнинг ортиб бориши муаммосини юзага келтирмоқда. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан «... глобаллашган иқтисодийёт шароитида ишсиз меҳнат ресурсларини прогрессив иш жойлари билан таъминлаш»¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар, айниқса, «демографик босим» юқори бўлган ҳудудларда меҳнат ресурсларининг шаклланиши, уларнинг иқтисодийёт тармоқларида тақсимланишини такомиллаштириш, прогноз қилиш ва келажакда кутиладиган демографик муаммоларнинг олдини олиш бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли таркиби ва унинг ўзгариши, миграция йўналишларини аниқлаш, меҳнат ресурсларининг шаклланиши, бандлик даражасини ошириш, ўзгарувчан меҳнат бозори шароитида юзага келиши мумкин бўлган демографик жараёнларни ўрганишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, шаклланган меҳнат ресурсларининг ҳозирги ҳолатини статистик усуллар билан бирга ижтимоий сўровномалар орқали ўрганиш, хариталарини яратиш, иқтисодий-ижтимоий ва демографик шароитларнинг меҳнат ресурсларига ва, бу орқали, аҳоли бандлигига таъсирини баҳолаш ҳамда прогнозлаш, шу асосда улардан самарали фойдаланиш ва аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда ҳудудларнинг демографик салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда аҳоли бандлигини яхшилаш, меҳнат ресурсларини саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига кўпроқ жалб этиш, халқаро ишчи кучи миграциясини ташкил этиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида «самарали бандликни ошириш ҳамда эркак ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Фарғона водийси вилоятларида меҳнат ресурслари шаклланишининг аҳоли бандлигига таъсирини, уларнинг ҳудудий ва тармоқ таркибида ўзгариш даражасини аниқлаш ва прогнозини ишлаб чиқиш, мазкур ҳудудларда аҳоли бандлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2019/WCMS_670542/lang-en/index.htm

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги Қарорлари, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Аҳоли ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи ташкилотлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National Institute of Labour Economics Research and Development (Ҳиндистон), Federal institute for population research (Германия), International labour organization (Швейцария), The National Institute of Labour and Human Resources (Греция), Labour Market Research Institute (Литва), The Institute of Labour Market Information and Analysis (Малайзия), The Labour Resource and Research Institute (LaRRI) (Намибия), Москва давлат университети (Россия) ва республикамизнинг Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Андижон давлат университетида олиб борилмоқда.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларига оид тадқиқотлар натижасида муҳим илмий натижалар олинган. Жумладан, аҳоли, меҳнат ресурслари сонининг ўсиши ва янги иш ўринларини яратиш, улар ўртасида корреляцион алоқадорлик асосланган (National Institute of Labour Economics Research and Development); аҳолининг табиий ўсиши, таркиби ва миграцияси, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли бандлигини оширишда тармоқлар ва ҳудудий таркиби такомиллаштирилган (Federal institute for population research); меҳнат ресурсларининг ҳудудий тафовутлари ва уларнинг миграцияси йўналишлари аниқланган (The National Institute of Labour and Human Resources); пандемия шароитида меҳнат ресурсларидан

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.bib.bund.de>; <https://skills Panorama.cedefop.europa.eu>; <https://www.ilmia.gov.my>; <http://www.iamrindia.gov.in>; <https://larri-namibia.org> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

самарали фойдаланиш, масофавий ишлашни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган (International Labour Organization).

Жаҳон мамлакатларида аҳоли ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: меҳнат ресурсларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг иш билан таъминланиш даражасини ошириш, таркибий ўзгаришлар орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли динамикаси, миграцияси, бандлиги ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий масалалари R.M.Campbell, S.Fisher, A.Samuelson, A.Drucler, F.Peter, W.Christaller, W.Isard ва МДҲ мамлакатларидан А.Э.Котляр, Е.Р.Касимовский, А.Г.Новицкий, Ю.Г.Саушкин, М.Я.Сонин, Н.Н.Некрасов, В.П.Максаковсий, В.Г.Костаков, Д.И.Валентей, А.Я.Кваша, А.А.Никифорова, М.Д.Шарыгин ва бошқа хорижий олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурслари муаммолари билан З.М.Акрамов, М.К.Қорахонов, И.Муллажонов, Н.С.Алиқориев, О.Б.Ата-Мирзаев, Қ.Ҳ.Абдурахмонов, А.А.Қаюмов, Э.А.Аҳмедов, Л.П.Максакова, Ҳ.С.Салимов, А.С.Солиев, Н.Х.Хўжаев, Р.Убайдуллаева, З.Н.Тожиева, Ш.А.Азимов, И.Сафаров, М.Р.Бўриева, З.Раимжонов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси ва меҳнат ресурсларига оид илмий ишлар А.Сотволдиев, Г.Асанов, Т.Маллабоев, А.Ҳатамов, И.Сулаймонов, С.Зокиров, М.Мамажоновларнинг ишларида эълон қилинган.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг мазкур соҳа ривожига қўшган ҳиссаларини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг тадқиқотларида иқтисодий модернизация ва диверсификация қилиш даврида иқтисодий ривожланишга хос хусусиятлар, демографик вазият, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва уларнинг иқтисодий тармоқларида бандлиги, аҳолиси зич ҳудудларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш каби масалалар тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Мазкур диссертация тадқиқоти айнан юқорида қайд этилган, ўз ечимини кутаётган муаммоларга бағишланганлиги билан олдингилардан ажралиб туради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат Иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-022 «Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий хусусиятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларида меҳнат ресурсларининг шаклланиши, ҳудудий жойлашуви,

иктисодиёт тармоқларида тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ишнинг олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси ва унинг динамикасига таъсир этувчи туғилиш, ўлим, миллий таркиб, урбанизация каби омилларни аниқлаш;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида меҳнат ресурслари сони ва шаклланишига таъсир этувчи табиий ўсиш, ёш ва жинсий таркиб, миграция каби омилларни очиб бериш;

меҳнат ресурсларининг ҳудудий таркибини аниқлаш, уларнинг иқтисодиёт тармоқларида тақсимланишини таҳлил этиш ва бандлик даражасини ошириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш;

меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоларига оид ижобий ечимлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

республика ва водий вилоятлари аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг 2025-2050 йилларгача бўлган прогнозини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва уларнинг меҳнатда бандлик ҳолати олинган.

Тадқиқотнинг предмети Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари меҳнат ресурсларининг демографик ва ҳудудий шаклланиш жараёни, иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши, улардан самарали фойдаланиш йўллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда картографик, тарихий, таққослаш, қиёсий таҳлил, математик-статистик, баланс, тизим-таркиб, экстраполяция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона ботиғида шаклланаётган «Водий мегалополиси»нинг иқтисодий географик ривожланиш хусусиятлари (таркиби, шаҳарлар агломерацияси, кўп ядроли саноат районлари) аниқланган ва фанга илк бор «Водий мегалополиси» илмий тушунчаси киритилган;

республикада меҳнат ресурслари концентрацияси юқори бўлган Фарғона водийси вилоятларининг геодемографик районлаштириш картаси яратилган;

Фарғона водийси вилоятларида ер-сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси ва индустриал ривожланиш ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ($R=0,32$) асосланган;

аҳолининг меҳнат ва ишлаб чиқариш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва тармоқлар бўйича меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилган;

БМТнинг Аҳолишунослик бўлими методикаси асосида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг 2025-2050 йилларга мўлжалланган прогнози (аҳолининг паст, ўрта, юқори

суръатларда ўсиши, туғилишнинг ўзгариши, ўлимнинг қисқариб бориш вариантлари) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

республикада меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашуви, уларнинг бандлигидаги ўзгаришлар ифодаланган Фарғона водийси вилоятларининг геодемографик районлаштириш картаси ишлаб чиқилган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари шаҳар ва туманлари демографик ҳолатига кўра ажратилган геодемографик районларида меҳнат ресурсларини ҳудудий ва тармоқ таркибини қайта тақсимлаш лойиҳалари ишлаб чиқилган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳоли бандлигини, жумладан хотин-қизларни иш ўринлари билан таъминлаш дастурлари ишлаб чиқилган;

аҳоли ва меҳнат ресурсларининг 2025-2050 йилларгача бўлган прогнози, меҳнат ресурсларининг ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Асосий натижалар республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, олий таълим тизимида амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меҳнат ресурсларининг катта потенциали йиғилган Фарғона водийси вилоятларининг геодемографик районлаштириш картаси ишлаб чиқилганлиги, ер-сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси ҳамда индустриал ривожланиш ўртасидаги корреляцион боғлиқлик асосланганлиги, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг 2025-2050 йилларга мўлжалланган прогнози ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси вилоятларида аҳоли бандлигига оид дастурларини ишлаб чиқишда, демографик жараёнларни баҳолашда, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга оид муаммоларни ҳал этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот иши давомида тўпланган материаллар олий ўқув юртлари ўқув жараёнларида ҳам амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси вилоятларида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона ботиғида урбанизациянинг энг мураккаб шакли шаклланаётгани аниқланган ва фанга илк бор «Водий мегалополиси» илмий тушунчаси киритилган ҳамда уни иқтисодий географик омиллар (аҳолининг транспорт коридорлари атрофида концентрацияси, шаҳарлар агломерацияси,

кўп ядроли саноат районлари) асосида янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 01/00-03/15-7369-сон маълумотномаси). Натижада, Андижон ва Фарғона вилоятларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 101,7-106,3 фоиз ўсишига, ва айти пайтда, қишлоқ хўжалиги ҳиссасини 0,3-0,7 фоиз қисқартиришга, Балиқчи, Кўрғонтепа ва Хўжаобод туманларида шаҳарлар тизимини ривожлантириш имконини берган;

меҳнат ресурслари концентрацияси юқори бўлган Фарғона водийси вилоятларининг геодемографик районлаштириш картаси ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга оид илмий хулосаларидан Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 26 июлдаги 03-03-1591-сон маълумотномаси). Натижада, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий хулосаларидан географик ахборотлар базасини янгилаш, Ўзбекистон Республикаси Миллий атласининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси», «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги» карталарини лойиҳалаш, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларини меҳнат ресурсларининг бандлик даражасига кўра гуруҳлаштириш, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг мавзуга оид карталарини тайёрлаш имконини берган;

ер-сув ресурслари чекланган ва катта демографик потенциалга эга бўлган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида меҳнат ресурсларини индустриал соҳаларга янада кўпроқ йўналтиришга оид таклифлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 01/00-03/15-7369-сонли маълумотномаси). Натижада, 2018 йилда саноатида банд бўлганлар Андижон вилоятида 0,5 фоизга, Наманган вилоятида 0,4 фоизга кўпайишига эришиш имконини берган;

Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг меҳнат ва ишлаб чиқариш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш механизмидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 01/00-03/15-7369-сонли маълумотномаси). Натижада, 2017 йилда Асака, Хўжаобод ва Улуғнор туманларида тўқимачилик ва агросаноат кластерларини барпо этиш орқали хотин-қизларнинг бандлиги 104,7 фоизга ортган, меҳнат ресурсларининг шартнома асосида хорижий мамлакатларга, жумладан Россия Федерациясига миграцияси 12 фоизга кўпайиш имконини берган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг 2025-2050 йилларга мўлжалланган прогноз натижаларидан

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳолини меҳнат билан бандлиги даражасини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 01/00-03/15-7369-сонли маълумотномаси). Натижада, аҳолини меҳнат билан бандлиги даражасини ошириш стратегиясининг параметрларини ишлаб чиқишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда (шулардан 2 таси хорижда) ва 25 та республика миқёсидаги анжуманларда, жумладан, Ўзбекистон География жамияти IX съездида (Тошкент, 2014), «Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт» (Тошкент, 2006), «Ҳозирги замон географиясининг долзарб муаммолари» (Андижон, 2007), «Ўзбекистон Евроосиё маконида: география, геоиктисодиёт, геоэкология» (Тошкент, 2017), «География ва глобализация: назария ва амалиёт» (Андижон, 2018), «Фарғона водийсининг XVIII-XXI асрлардаги тарихини тадқиқ этишда ёзма, босма манбалар ва улардан фойдаланиш муаммолари» (Андижон, 2018), «Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболи» (Тошкент, 2019), «Весняні наукові читання» (Київ, 2017), «Trends and perspectives of tourism development in Kazakhstan and Central Asia» (Almaty, 2019), «Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов» (Ташкент, 2019) халқаро илмий-амалий конференцияларида, «География тарихи: хотира ва қадриятлар» (Наманган, 2005), «Фан ва амалиёт» (Андижон, 2005), «География таълими ва услубининг долзарб муаммолари» (Қўқон, 2008), «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари ва қадриятларининг устуворлиги» (Андижон, 2009), «География: тарих, назария, методлар, амалиёт» (Тошкент, 2010), «Замонавий географик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар» (Андижон, 2016), «Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини бошқаришнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2016), «Ўзбекистон География жамияти X съезди материаллари» (Тошкент, 2019) республика илмий-амалий конференцияларида, «Фарғона водийси ресурс салоҳиятидан фойдаланишнинг геоэкологик асослари» (Фарғона, 2017), «Фарғона водийси: табиати, аҳолиси, хўжалиги» (Фарғона, 2018) минтақавий илмий семинарларида маъруза қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (улардан 7 та республика ва 2 та чет эл журналлари) мақола эълон қилинган. Шунингдек, тадқиқот доирасида монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 234 бетдан иборат бўлиб, унинг 200 бети матндан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан, технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий ривожланиши ва унга хос ҳудудий хусусиятлар**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, минтақавий сиёсат, унинг мақсади ва вазифалари, республикада ҳудудий тафовутларни камайтириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси баён этилган.

Маълумки, аҳоли ва унинг иқтисодий фаол қисми бўлган меҳнат ресурслари макроиктисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Макроиктисодиётнинг ўсиш суръатларини таъминлаш учун ишчи кучининг манбаи бўлган аҳолининг табиий ўсиш суръатларини тартибга солиш зарур.

Бозор иқтисодиёти меҳнат бозорига ҳам таъсир кўрсатади. Макроиктисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири аҳолининг юқори даражада иш билан бандлигига эришишдир. Афсуски, барча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаб бўлмайди. Ишсизлик бозор иқтисодиёти учун табиий ҳол ва унинг узвий ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси динамикаси ва меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик асослари**» деб номланган иккинчи бобида аҳоли динамикаси ва унга таъсир кўрсатувчи демографик омиллар ва аҳоли миграциясининг таъсири, аҳолининг ёш – жинсий таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши ўрганилган.

Фарғона водийси вилоятларида 1926 йил 1501,1 минг аҳоли яшаган бўлса, уларнинг сони 2020 йилда 9690,5 минг кишини ташкил этди. Шундан 5566,7 минг киши ёки 57,4 фоизи шаҳар аҳолисига ва 4039,3 минг киши ёки 42,6 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келади⁴. Водий вилоятлари майдонига кўра кичик бўлса-да, лекин унда республика аҳолисининг 28,6 фоизи истиқомат қилади.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг такрор барпо этилишига географик, демографик, иқтисодий, ижтимоий омиллар катта таъсир кўрсатади. Улар орасида демографик омил муҳим ўрин эгаллайди. У аҳолининг ёш ва жинсий

⁴ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами (2015-2019). – Тошкент, 2020. – Б. 19.

таркиби ҳамда улардаги тафовутлар, табиий ўсиш коэффициентлари орқали меҳнат ресурсларининг такрор барпо қилинишига ўз таъсирини кўрсатади.

Туғилиш табиий ўсиш, шу билан бирга, меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг асосий манбаидир. Республикада 2019 йилда туғилиш коэффициенти 24,3 промиллега тенг бўлди. Фарғона водийси вилоятларида эса унга нисбатан юқори (Наманган вилоятида 25,8 промилле, Андижон вилоятида 25,1 промилле, Фарғона вилоятида эса 23,6 промилле).

2019 йилда республикада ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил этди. Фарғона водийси вилоятлари бўйича ўлим коэффициентининг энг юқори кўрсаткичлари Андижон вилоятида кузатилади. Хусусан, 2019 йилда вилоятда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил этган. Наманган вилоятида эса аксинча паст кўрсаткич (4,5 промилле) қайд этилган.

Республикада аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти 19,7 промиллени ташкил этди (2019). Фарғона водийси вилоятлари республика миқёсида табиий ўсиш коэффициентлари бошқа вилоятларга нисбатан ўрта ўринларни банд этади. Хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларига нисбатан паст, Тошкент Тошкент шаҳри ва вилоятига нисбатан юқори ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари шаклланиши нуқтаи назаридан аҳолининг ёш таркиби таҳлил этилаётганда унинг яшаш даври ва умумий хусусиятларини ҳисобга олиб меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли, меҳнатга лаёқатли аҳоли ва меҳнатга лаёқатли ёшдан ўтган аҳоли гуруҳлари ажратилади.

Республикада 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли 10400,6 минг кишига етди. Уларнинг умумий аҳолига нисбатан улуши 30,7 фоизга тенг. Шу ўринда болалар ва ўсмирлар улуши ортиб ораётганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли (2014-2015 йилларда 29,9 фоизга тенг бўлган). Бу эса меҳнат ресурсларининг шаклланиши нуқтаи назаридан ижобий баҳоланади. Негаки, иқтисодиёт тармоқларига меҳнат ресурслари кўпроқ кириб келади.

Аҳоли, энг аввало, унинг меҳнатга лаёқатли қисми меҳнат ресурсларининг шаклланишида асосий пойдевор ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ташкил этади. Уларнинг сони 19951,6 минг кишига тенг (58,9 фоиз). Лекин, сўнгги йилларда уларнинг ҳиссаси нисбатан пасайиб бормоқда. Масалан, 2013-2014 йилларда уларнинг ҳиссаси 61,7 фоизга тенг бўлган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдан ўтган аҳоли 3553,0 минг киши ёки 10,5 фоизни ташкил этди. Уларнинг ҳиссаси сўнгги йилларда ортиб бораётганини таъкидлаб ўтиш лозим (2012 йилда 7,9 фоизга тенг бўлган). Ўртача умр кўриш даврининг узайиши меҳнатга лаёқатли ёшдан ўтган аҳолининг сони ва салмоғининг ортишига олиб келади.

Аҳоли миграцияси меҳнат ресурсларининг шаклланишига, ҳудудий таркибига ва шунингдек мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Республика аҳолисининг миграцион ҳаракати охириги йилларда манфий кўрсаткичлигича қолмоқда. Масалан, 2010-2019 йилларда

мамлакатга 1503,5 минг киши кириб келди ва 1808,2 минг киши чиқиб кетди. Натижада миграция сальдоси манфий 304,7 минг киши билан яқунланди.

Фарғона водийси вилоятлари бўйича манфий миграциянинг энг паст кўрсаткичлари Наманган вилоятида кузатилади. 2019 йилда мазкур вилоятга 5,0 минг киши кўчиб келган ва 6,4 минг киши кўчиб кетган. Миграциянинг манфий кўрсаткичи 0,9 минг киши билан интиҳо топди. Фарғона вилоятида келганлар 13,3 минг киши, кетганлар 14,7 минг кишига тенг бўлиб, манфий миграция сальдоси 1,4 минг киши билан яқунланди. Андижон вилоятида эса иммигрантлардан (7,6 минг киши) эмигрантлар (9,7 минг киши) кўп бўлди ва манфий миграция сальдоси 2,1 минг кишини ташкил этди. Шундай қилиб, Фарғона водийси вилоятлари XX асрнинг 90-йилларидан буён манфий миграция сальдосига эга бўлиб, ташқи миграция ҳисобига аҳолисининг бир қисмини йўқотмоқда. Бундай ҳолат айни пайтдаги демографик вазият нуқтаи назаридан ижобий баҳоланиши зарур. Чунки, Фарғона водийси вилоятлари қарийб ярим асрдан буён миграциянинг марказига айланиб улгурди.


«Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва геоурбанистик тараққиёти» деб номланган учинчи бобида аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва зичлиги, ҳозирги замон урбанизацияси ва унга хос ҳудудий хусусиятлар, ҳудуднинг урбанистик тараққиёти ва унинг бугунги кундаги ҳолати каби масалалар тадқиқ этилган.

Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларида аҳоли жуда зич жойлашган бўлиб, 1 кв.км.га 523,8 киши тўғри келади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва зичлиги, урбанистик ва индустриал тараққиёти, транспорт инфратузилмаси, хўжалик ихтисослашуви ва меҳнат тақсимотига кўра тафовутлар мавжуд. Мана шулардан келиб чиққан ҳолда аҳоли ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви ва хўжалик ихтисослашувига кўра бир-биридан фарқ қиладиган Шимолий, Шарқий, Жанубий, Марказий ва Ғарбий Фарғона геодемографик районлари ажратилган ва ГАТ технологиялари асосида картаси яратилган (1-расм).

Фарғона водийси вилоятларида урбанизация жараёни ривожланган шунинг учун улар республикада энг олдинги ўринларни эгаллайди. Аҳолисининг 57,4 фоизи ёки 5566,7 минг киши шаҳарларда яшайди. Урбанизация даражаси Наманган вилоятида 64,6 фоиз, Фарғона вилоятида 56,4 фоиз ва Андижон вилоятида 52,2 фоизни ташкил этади.

Аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада концентрациялашган Фарғона водийси вилоятларида шаҳарлар агломерациясининг энг мураккаб шакли “Водий” мегалополиси таркиб топмоқда. Унинг эгаллаган ҳудуди табиий географик жиҳатдан Фарғона ботиғининг текислик ва адир зоналарига тўғри келади.



1-расм. Фарғона водийси вилоятлари геодемографик районлаштириш картаси

“Водий” мегалополиси Андижон вилоятининг барча ҳудудларини, Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларининг тоғли шимоли-ғарбий ҳудудларидан ташқари барча ҳудудларини, Фарғона вилоятининг Сўх тумани анклави, Фарғона туманининг Шохимардон анклавидан ташқари барча ҳудудларини қамраб олади. Олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, унинг майдони 15,19 миңг кв.км. га тенг эканлиги аниқланди. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари умумий майдони (18,5 миңг кв.км.)нинг 82,1 фоизини ўз ичига қамраб олади.

Мегалополистеда 9386,4 миңг киши истиқомат қилади(01.01.2020). Бу эса Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари жами аҳолисининг 96,9 фоизига тенг, демакдир. Аҳоли зичлиги 1 кв.км га 618 киши тўғри келади. Мамлакат аҳолисининг зичлик кўрсаткичига нисбатан 8,2 баробар юқори эканлиги билан тавсифланади.

Бир-бири билан чамбарчас боғланган ва узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган шаҳарлар агломерациялари (Фар-Мар, Андижон, Наманган), кўплаб кичик ва агроиндустриал шаҳарлар, шаҳарчалар ва кўп ядроли саноат районлари (Фарғона–Марғилон, Андижон–Асака, Наманган–Тўрақўрғон, Кўқон–Поп) унинг ўзагини ташкил этади.

Мазкур ҳудудда ишлаб чиқариш ҳам юксак даражада ривожланган. Маълумотларга кўра, республика ЯИМининг қарайб 1/5 қисми ишлаб чиқарилади.

Мегалополисда транспорт тизими ҳам нисбатан зич жойлашган. Айниқса, “Буюк ипак йўли” энг муҳим транзит транспорт коридорларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мазкур мегалополис бир-бирига жуда яқин жойлашган, ўзаро бир-бир билан боғланган ва узвий алоқадорликда ривожланиш хусусиятига эга бўлган шаҳарлар агломерацияси, йирик саноат марказлари ва районларидан ташкил топган, ягона инфраструктура тизимидан фойдаланадиган ҳудуд ҳисобланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Фарғона водийси вилоятлари меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлиги муаммолари**» деб номланган. Мазкур бобда Фарғона водийси вилоятлари меҳнат ресурслари сони ва уларнинг ҳудудий таркиби, меҳнат ресурсларининг иқтисодий тармоқларида тақсимланиши ва аҳоли бандлиги, меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини такомиллаштириш масалалари иқтисодий географик жиҳатдан таҳлил этилган.

Меҳнат ресурслари – бу жамиятнинг энг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим компонентиدير. Меҳнат ресурсларининг сони, ўсиш динамикаси, малакавий тайёргарлиги ва жойланиш хусусиятлари, вилоят ва туманлар доирасида ишлаб чиқаришни ихтисослашишига, ташкил этилишига ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Аҳолининг бандлик даражаси меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат даражаси, мамлакатдаги мавжуд иқтисодий вазиятни, аҳолининг турмуш даражаси ва бошқаларни тавсифлайди. Бундан кўринадики, аҳоли бандлиги аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, олинадиган иш ҳақи ва даромад миқдорини, бинобарин аҳолини ўз-ўзини ижтимоий ҳимоялаш даражасини ҳам белгилайди.

Мамлакатда меҳнат ресурслари демографик омиллар таъсирида тезлик билан ўсиб бормоқда. Агар меҳнат ресурслари сони 2000 йилда 12718,0 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 18949,0 минг кишидан ортиб кетди. Кузатилаётган давр мобайнида улар 149,0 фоизга ёки 6231,0 минг кишига кўпайган.

Фарғона водийси вилоятларида меҳнат ресурслари сони 2019 йилда 5367,7 минг кишини ташкил этди. Мазкур ҳудудда республика меҳнат ресурсларининг 28,3 фоизи жамланган. Янги минг йиллик бошига (3500,9 минг киши) нисбатан таққослаганда 2019 йилда 1866,8 минг кишига ёки 153,3 фоизга ўсишга эришган(1-жадвал).

Фарғона вилоятида 2052,1 минг меҳнат ресурслари мавжуд бўлиб, ўрганилаётган ҳудуд доирасида энг олдинги ўринни эгаллайди. Меҳнат ресурслари 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 695,0 минг киши ёки 151,2 фоизга кўпайган. Лекин, меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари пасайиб бормоқда. Хусусан, 2000-2010 йилларда 134,4 фоизга тенг бўлгани ҳолда, сўнгги тўққиз йилда 112,5 фоизни ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятларида
меҳнат ресурслари сони (минг киши ҳисобида)**

	2000	2010	2015	2016	2017	2018	2019
Ўзбекистон Республикаси	12718,0	16726,0	18276,1	18488,9	18666,3	18829,6	18949,0
Қорақалпоғистон Республикаси	773,6	945,5	1026,6	1042,2	1054,6	1064,8	1063,0
Фарғона водийси вилоятлари	3500,9	4736,0	5202,7	5259,5	5302,8	5340,6	5367,7
Андижон	1161,5	1561,2	1691,2	1709,1	1722,2	1733,3	1741,7
Наманган	982,3	1350,6	1515,0	1534,0	1549,5	1564,2	1573,9
Фарғона	1357,1	1824,2	1996,5	2016,4	2031,1	2043,1	2052,1
<i>вилоятлар</i>							
Бухоро	763,8	987,6	1055,8	1065,4	1073,1	1077,8	1081,0
Жиззах	483,9	652,1	734,7	746,1	756,2	765,7	764,1
Қашқадарё	1047,9	1493,4	1725,7	1758,1	1784,6	1806,8	1813,8
Навоий	414,1	531,6	540,3	543,5	547,2	552,0	555,8
Самарқанд	1329,8	1815,7	2033,6	2058,2	2079,6	2103,4	2117,1
Сурхондарё	831,8	1174,1	1379,2	1403,1	1423,9	1442,7	1456,9
Сирдарё	327,3	420,7	464,0	470,2	475,2	480,5	484,5
Тошкент	1253,5	1549,7	1609,6	1617,7	1623,9	1627,2	1607,3
Хоразм	677,4	900,4	969,8	986,7	1000,6	1013,4	1029,6
Тошкент ш.	1314,0	1519,2	1534,1	1538,2	1544,6	1554,7	1608,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган


Наманган вилоятида 1573,9 минг меҳнат ресурслари мавжуд. Меҳнат ресурслари сони қўшни икки вилоятга нисбатан ўсиш суръатларида катта тафовутлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Хусусан, 2011 йилда ўсиш суръати 106,4 фоиз билан энг юқори, 2019 йилда 100,9 фоиз билан энг паст кўрсаткичларга эга бўлди.

Андижон вилояти 2019 йилда 1741,7 минг меҳнат ресурсларига эга бўлган. Вилоят меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати юқори, жумладан 2017 йилда 2000 йилга нисбатан 567,8 минг кишига ёки 148,3 фоизга ўсган. Меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари ўрганилаётган давр бошларида юқори (102,3 фоиз) бўлгани ҳолда, сўнгги 2019 йилда бир оз пасайди ва 100,5 фоизга тушиб қолди(2-расм).

Республика иқтисодиётида банд аҳоли сони 2019 йилда 13541,1 минг кишини ташкил этди ва 2000 йилга нисбатан 4558,1 минг кишига ёки 150,7 фоизга ўсди.

Мамлакат ҳудудлари бўйича иқтисодиётда банд аҳоли сонига кўра Фарғона вилояти яқка пешқадамлик қилади. Негаки, бу вилоятда 2019 йили 1492,6 минг киши (11,0 фоиз) иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган. Ўз навбатида кейинги ўринларга Самарқанд (1455,8 минг киши ёки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ КАРТАСИ



2-расм. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари картаси

10,7 фоиз), Андижон (1284,5 минг киши ёки 9,5 фоиз), Тошкент (1232,9 минг киши ёки 9,1 фоиз) ва Қашқадарё (1220,0 минг киши ёки 9,0 фоиз) вилоятларини қўйиш мумкин. Шунингдек, банд аҳолининг республика миқёсида улуши катта бўлган ҳудудлар қаторига Тошкент шаҳри (1182,6 минг киши ёки 8,7 фоиз) ва Наманган вилоятини (1104,6 минг киши ёки 8,2 фоиз) киритиш мумкин. Аксинча, Сирдарё (350,1 минг киши ёки 2,6 фоиз), Навоий (412,7 минг киши ёки 3,0 фоиз) ва Жиззах (536,2 минг киши ёки 3,9 фоиз) вилоятлари қуйи ўринларни банд этади.

Тадқиқ этилаётган Фарғона водийси вилоятларида эса жами 3881,7 минг киши иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат қилади (01.01.2020). Агар водий вилоятларида банд аҳоли сони 2000 йилда 2459,7 минг кишига тенг бўлгани ҳисобга олинса, бу кўрсаткич давр охирида 3881,7 минг кишига ёки 157,8 фоизга ўсишга эришгани кўриш мумкин. Банд аҳоли сонига кўра мамлакат миқёсида водий вилоятлари салмоқли ўринни эгаллайди. Республика банд аҳолисининг 28,7 фоизи мазкур Фарғона водийси вилоятлари зиммасига тушади.

Мамлакат иқтисодиётининг энг йирик тармоғи қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида фаолият олиб бораётган меҳнат ресурсларининг ҳиссаси сўнгги йилларда бир оз камайди. Масалан, 2000 йилда унинг улуши 34,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 26,9 фоизга ва 2019 йилда 26,2 фоизга тенг бўлди. Шу ўринда агросекторда банд аҳолининг улуши саноатга нисбатан 2 баробарга кўп эканлигини қайд этиш лозим. Бу эса қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларини бошқа соҳаларга йўналтиришни талаб этади.

Маълумотларга кўра, меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси юқори бўлган тармоқларга саноат ҳам киради. Уларда республика меҳнат ресурсларининг 13,4 фоизи фаолият олиб боради. Сўнгги йилларда ушбу соҳаларда банд аҳолининг улуши бир оз кўпайишга эришди. Хусусан, саноатда банд аҳолининг улуши 2005 ва 2010 йилларда 13,2 фоизга тенг бўлган бўлса, 2018 йилда 13,5 фоизга кўтарилди. Ўз навбатида, таълим соҳасида 2005-2010 йилларда 13,6-13,8 фоизга тенг бўлгани ҳолда 2018 йилда 8,4 фоизга пасайди.

Меҳнат ресурсларини энг кўп жамлаган тармоқларидан бири савдо соҳасидир. Унда банд аҳоли улуши тадрижий ортиб бормоқда. Жумладан, кузатилаётган давр бошида (2000 йил) 8,4 фоизга тенг бўлса, давр охирида (2019 йил) 10,6 фоизни ташкил этди. Бундай фикрларни қурилиш соҳасига нисбатан ҳам илгари суриш мумкин.

Республика ҳудудлари бўйича саноатда банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланишида сезиларли тафовутлар мавжуд. 2020 йил 1 январь маълумотларига кўра, Сирдарё вилоятида саноатда бандлик атиги 9,5 фоизга тенг бўлди. Республикада энг юқори кўрсаткич Навоий вилоятида кузатилди (27,4 фоиз).

Фарғона водийси вилоятлари ҳам республикада бу борада юқори ўринларни эгаллайди. Хусусан, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 16,9 фоиз, Андижон вилоятида 14,4 фоизга тенг бўлди ва республика ўртача

кўрсаткичидан юқори ўринларда туради. Фақатгина Наманган вилоятида бу кўрсаткич бир оз пастроқ, яъни 12,3 фоизни ташкил этди(2-жадвал).

2-жадвал

Фарғона водийси вилоятларида банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	Вилоятлар	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019
Саноат	Андижон	12,8	13,7	14,0	14,0	14,0	14,5	14,4
	Наманган	13,1	12,9	12,8	12,6	12,4	12,5	12,3
	Фарғона	14,2	14,6	16,8	16,8	17,0	17,3	16,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Андижон	36,1	27,2	27,0	26,9	26,5	26,8	26,5
	Наманган	29,8	24,7	25,7	25,5	24,8	24,7	23,8
	Фарғона	28,1	29,7	27,9	27,6	27,3	28,0	27,4
Қурилиш	Андижон	6,1	7,0	7,2	7,3	7,3	7,0	7,6
	Наманган	7,3	8,2	8,9	8,9	8,9	7,8	8,3
	Фарғона	5,9	7,0	7,8	7,9	7,9	7,9	8,3
Ташиш ва сақлаш (ахборот ва алоқа билан бирга)	Андижон	3,6	4,3	4,6	4,7	4,7	4,9	5,2
	Наманган	3,4	3,7	4,4	4,4	4,3	3,8	4,4
	Фарғона	3,8	4,8	5,4	5,5	5,5	5,4	5,4
Савдо	Андижон	8,4	11,8	12,7	12,7	12,7	12,3	12,6
	Наманган	9,5	11,5	11,0	11,0	10,9	9,9	10,0
	Фарғона	7,2	10,1	10,5	10,6	10,7	10,8	10,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	Андижон	2,8	3,1	2,2	2,2	2,2	2,1	2,2
	Наманган	3,3	3,0	2,7	2,7	2,7	2,5	2,7
	Фарғона	2,8	3,9	2,3	2,3	2,4	2,4	2,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	Андижон	6,6	7,8	4,5	4,4	4,4	4,6	4,7
	Наманган	8,4	8,3	4,8	4,7	4,5	4,5	4,4
	Фарғона	7,0	8,0	5,1	5,1	5,0	5,3	5,4
Таълим	Андижон	12,0	13,3	7,7	7,5	7,4	7,8	7,9
	Наманган	13,5	13,6	8,6	8,3	8,1	7,9	7,8
	Фарғона	12,4	12,7	8,3	8,2	8,1	8,5	8,4
Бошқа тармоқлар	Андижон	11,2	11,4	19,1	19,3	19,8	20,0	18,9
	Наманган	11,7	14,1	20,7	21,6	23,1	26,4	26,3
	Фарғона	18,6	9,2	15,6	15,7	15,9	14,4	15,1

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлган аҳоли бошқа тармоқларга нисбатан сезиларли даражада кўп. Агросекторда улуши энг юқори бўлган ҳудудлар Сирдарё (44,6 фоиз) ва Жиззах (36,3 фоиз) вилоятларидир. Аксинча, энг паст кўрсаткичлар Навоий (20,6 фоиз) ва Наманган (23,8 фоиз) вилоятларида қайд этилди.

Андижон вилоятида 1741,7 минг меҳнат ресурслари мавжуд бўлиб, улар жами аҳолининг 55,7 фоизини ташкил этади. Кузатилаётган даврда вилоят иқтисодиёт тармоқларида бандлик даражаси кескин ўзгаришлар кузатилмади. Сўнгги йилларда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд аҳоли 26,5 фоиз ҳолатида сақланиб қолди. Саноатда бандлик даражаси бир оз ўсган, яъни 14,4 фоизга кўтарилган. Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ҳиссасининг камайиши, ва аксинча, моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳиссаси ортиб бориши кузатилди.

Наманган вилоятида 1573,9 минг меҳнат ресурслари мавжуд. Наманганда саноат нисбатан суст ривожланган. Шунинг учун ҳам вилоят


меҳнат ресурсларининг 12,3 фоизи саноатда банд бўлиб, уларнинг ҳиссаси йилдан йилга камайиб бормоқда (2010 йилда 12,9 фоизга тенг бўлган). Ўз навбатида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлганларнинг салмоғи 2010 йилда 24,7 фоиздан 2019 йилда 23,8 фоизга камайди.

Иқтисодиётда банд аҳоли тақсимоотида Фарғона вилояти саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши юқори эканлиги билан Андижон ва Наманган вилоятларидан фарқ қилади. Саноатда банд бўлган аҳолининг ҳиссаси 2010 йилда 14,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 16,9 фоизга тенг бўлди. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган меҳнат ресурслари 27,4 фоизга тенг бўлгани ҳолда 2011 йилга нисбатан 2,7 фоизга пасайди.

Фарғона водийси вилоятларида ер ва сув ресурслари қатъий чекланганлигини, демографик сиғим ва экологик муҳитнинг ўзига хослигини аҳолининг меҳнат ва ишлаб чиқариш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалигида камайтириш, индустриал корхоналарини кўпроқ қуриш ҳисобига саноатга, биринчи навбатда, автомобилсозликка, енгил саноатга, хизмат кўрсатиш соҳаларига, кичик ва оилавий бизнесга, тадбиркорликка, касаначилик, миллий хунурмандчиликка янада кўпроқ жалб мақсадга мувофиқ. Автомобилсозлик кластерининг барпо этилиши малакали меҳнат ресурслари жойлашган Фарғона водийси вилоятларида ишчи кучларини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Автомобилсозлик кластери индустриал тараққиёт учун фундамент вазифасини бажариб беради. Бу системанинг барпо этилиши янги иш ўринлари яратилишига, турли тоифадаги саноат корхоналари ўртасида ишлаб чиқариш кооперациясига, технопарклар, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик бюрolari ташкил топишига, кичик ва ўрта бизнес корхоналари тараққиётига ва пировард мақсад аҳолининг турмуш тарзи юксалишига замин яратади. Шунингдек, озиқ-овқат ва тўқимачилик кластерларини барпо этилиши меҳнат ресурслари, айниқса хотин-қизларнинг иш билан таъминланиш даражасини ошишига хизмат қилади. Мазкур фикрлар асосида муаллиф томонидан ҳудудлар ва тармоқларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш механизми ишлаб чиқилди (3-расм).

Республикада 2019 йилда 511838,1 млрд. сўмлик ялпи ички маҳсулот яратилди. Унинг 89079,5 млрд. сўмга тенг бўлган қисми Фарғона водийси вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳудудда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб борган бўлса-да, лекин унинг республика бўйича ҳиссаси тобора камайиб келмоқда. 2005 йилда водий вилоятларига республика ЯИИМининг 20,4 фоизи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич кейинги йилларда камайиб борди ва 2019 йилда 17,4 фоизга тушиб қолди. Водий вилоятларида республика аҳолисининг 28,6 фоизи яшаётганлиги ҳисобга олинса, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида мазкур ҳудуд улушининг камайиб бориши ижобий ҳолат, деб баҳолаб бўлмайди. Республика

бўйича 2019 йилда аҳоли жон бошига ўртача 15242,0 минг сўмга тенг ЯИМ ҳажми тўғри келган⁵.



3-расм. Таклиф этилаётган хуудлар ва тармоқларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш механизми


⁵ Ўзбекистон хуудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2020. – Б.14.

Фарғона водийси вилоятларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг юқори ЯИМ Андижон вилоятида кузатилди (10621,6 минг сўм). Лекин, бу кўрсаткич Андижон вилояти аҳолисининг турмуш тарзи юқори, деб хулоса чиқаришга йўл бермайди, чунки у республика ўртача кўрсаткичидан бир ярим баробарга камдир. Фарғона вилояти республикада 11-ўринни, Наманган вилояти эса энг охириги ўринни эгаллайди Маълумот учун, республика ЯИМ ўртача кўрсаткичидан қарийб 2 баробарга ёки Навоий вилоятига нисбатан қарийб тўрт баробар паст эканлиги билан тавсифланади.

Республика ҳудудлари бўйича Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари демографик босими юқори эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

